



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 3 ноябрь, Душанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 215 (11.276)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукус шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган амалий семинар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини Қорақалпоғистон Республикасида муносиб тарзда ташкил этиш масаласига бағишланди.

● Бухорода мамлакатимиз ҳудудиде рақамли телевидениени жорий этиш асослари бағишланган Республика илмий анжумани ўтказилди. Мазкур тадбир қатнашчилари рақамли телекўрсатувларни эфирга узатишнинг имкониятлари, замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш, кўрсатувлар сифатини яхшилаш борасида ўзаро фикр алмашдилар.

● Республика Кўғирчоқ театрида «Янги авлод форуми» Болалар ижодиёти маркази қошида ташкил этилган «Дефеле» мода театрининг катта ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейида «2008 йил Олимпия ўйинлари. Галабалар шуқуҳи» халқаро фотокўргазмаси бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуасида бокс бўйича Олимпиада ўйинларининг кумуш медали соҳиби, жаҳон чемпиони Руфат Рискиев ва у каби ўйлаб истеъдодли чарм кўлпоқ усталарини етиштирган мураббий Борис Гранаткин хотирасига бағишланган профессионал бокс турнири ташкил этилди.

● Жиззахда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган яна бир корхона — «Олтин антилопа» фирмаси иш бошлади. Ушбу корхона бир-кеча кундузда ўн тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозиргача Россия, Қозғистон, Украина давлатлари савдо ташкилотлари билан шартномалар имзоланган бўлиб, корхонанинг фаолият бошлаши 20 дан ортқ кишининг доимий иш ўрнига эга бўлишига имкон яратди.

● Импорт ўрнини босувчи, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар ўртасида «Наманганмаш» акциядорлик жамиятининг муносиб ўрни бор. Ушбу корхона жорий йилнинг 9 ойи давомида қарий бир ярим миллиард сўмлик миқдорда маҳсулот тайёрлади. Ташқи бозорга эса 90 минг АҚШ доллари миқдориде металл жиҳозлар чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ОМОНАТЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЎРТАСИДА ТАНЛОВ ЎТҚАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банкларини кўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, банкларнинг инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш учун уларнинг ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклари уюшмаси ва тижорат банкларининг ҳар йили январь ойида тугаган йил ақуналари бўйича аҳолининг омонатларини жалб қилиш юзасидан республика тижорат банклари ва уларнинг филиаллари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.
2. Белгилансинки: танловда республиканинг барча тижорат банклари ва уларнинг бўлинмалари (филиаллари, минибанклар, жамгарма ва махсус кассалар) иштирок этиши мумкин; рейтинг баҳога кўра йил ақуналари бўйича энг юқори балларни тўплаган тижорат банклари, филиаллари, минибанклар, жамгарма ёки махсус кассалар танлов голиблари сифатида тан олинди; танлов соврин жамгармаси танловда иштирок этаётган тижорат банклари ҳамда Ўзбекистон Банклари уюшмаси маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.
3. Аҳолининг омонатларини жалб қилиш юзасидан республика тижорат банклари ўртасида ҳар йили танловлар ўтказишни ташкил этиш, ақуналарини чиқариш ва голибларни аниқлаш учун 1-иловага мувофиқ таркибда ташкилий кўмита тузилсин.
4. Аҳолининг омонатларини жалб қилиш юзасидан республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш ҳамда унинг иштирокчиларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
5. Ташкилий кўмита (Ф.М.Муллажонов): икки ҳафта муддатда танловни ўтказиш тартиби ва шартларини тижорат банкларига етказиши; зарур миқдорда соврин жамгармасини шакллантириши ва танлов голибларининг холисона аниқлашишни таъминласин.
6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари ташкилий кўмита билан биргаликда танлов ўтказиши ва унинг натижаларини кенг ёритилишини таъминласин.
7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2008 йил 31 октябрь

ПОЙТАХТНИНГ ДИП КУНИ

Янгиликлар, воқеалар




Тадбиркорлик

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР БУЮРТМАЧЛАР САФИ ОРТИШИДА, ХАРИДОРЛАР КЎПАЙИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган «SHARMED — TEKS» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бориб, буюртмачилар сафини кенгайтириш, истиқбол режасида нафақат ички, балки ташқи бозорни ҳам рақобатбардор маҳсулотлар билан таъминлашни мақсад қилган ҳолда фаолият кўрсатишмоқда. Сифатли пахта хом ашёсидан маҳаллий корхоналарда тайёрланган матолардан мазкур жамиятнинг 28 нафар мохир тикувчи, кўли гул бичувчи, дизайнчилари ҳозирда юксак унумли тикув машиналари, дастгоҳ ва ускуналар мададида кўлбал турдаги янги моделдаги асосан тиббиёт ҳодимлари учун либослар яратишмоқда.

— Давлатимиз томонидан кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор туфайли, — дейди мазкур жамият бошқаруви раиси, ташаббускор, тадбиркор раҳбар Шароф Рўзиев, — имкониятлардан унумли фойдаланаямиз. Янгидан-янги лойиҳалар, ҳамкорлар билан ишлаш муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Асосийси, корхонамиз жойлашган «Самарқанд дарвозаси» маҳалласидаги фуқароларга иш ўринлари яратдиқ. Жумладан, бизда ташкил этилган амалий таълим



ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР БУЮРТМАЧЛАР САФИ ОРТИШИДА, ХАРИДОРЛАР КЎПАЙИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

курсларида ушбу маҳалланинг кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож оила аъзоларидан маҳоратли ва малакали чеварлар, ишчилар тайёрлашни йўлга қўйди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг сентябрь ҳолатига кўра, корхона аҳли 120 миллион сўмлик буюртмани ўз муддатларида сифатли бақаришга эришди. Тикувчилик маҳсулотлари — илҳам, қулай ва кўркам махсус иш кийимлари, шунингдек, парда, кўрпа-ёстик жилдлари, матрас, одеялар буюртмачининг дид ва эhtiёжидан келиб чиққан ҳолда буюртмалар асосида тикилади. Замон билан ҳамнафас жамоа аҳли ишлаб чиқаришда сифат бош мезон эканлигини тўғри англаган.

Корхона тадбиркорлари эса бозорни тинмай ўрганиш асосида ҳар бир яратилган янги маҳсулот устида эринмай изланишди, янгиликка интилишди. Масалан, шаҳримизда махсус иш кийимлари тикадиган кичик корхона, хусусий фирма, ательеяр талайгина (рақобат анчагина кучли) бўлишига қарамай, бу ерда хорижий катологлар бўйича ҳам буюртмалар олинishi миқозларни мамнун қилмоқда. Яқинда «Ўзбекистон» меҳмонхонаси учун маҳаллий хом ашёдан турли ҳажмларда, ранглардаги

қўркам, қулай ва асосийси, юртимизнинг иқлим шароитига жуда мос, инсон саломатлиги учун хавфсиз бўлган маҳсулотлар етказиб берилди. Худди шундай буюртмалар бирин-кетин шошқинчи тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари, фармацевтика корхоналаридан ҳам тушмоқда...

Бундан ташқари, жамият тадбиркорларининг савй-ҳаракатлари туфайли юртимизда иш юритаётган хорижий ва қўшма корхоналар билан ҳам яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Яна шунини айтиб ўтиш керакки, корхонанинг истиқболдаги равнақи учун ўз маҳсулотлари, хизмат турларини турли кўрик, саннат ярмаркалари, «Ўзбекистон-Гилсанот» акциядорлик компанияси доирасида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этишни жамоа қатъий режаларига киритишган, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосидаги алоқалар ҳақидаги кўлбал лойиҳалар устида амалий иш юритишмоқда.

МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «SHARMED — TEKS» масъулияти чекланган жамияти жамоаси фаолиятдан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида уюштирилган тадбир «ОИТС, гивандлик, одам савдосига қарши кураш» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Зулфияномни қизлар» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

● **МАМЛАКАТДА** ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра АҚШ президенти сайловига икки кун қолганида демократлар вакили Барак Обама рақиби Жон Маккейндан 5-13 фоиз кўпроқ овоз билан олдинда бораётганлиги маълум бўлди.

● **Украина** Бош вазири Юлия Тимошенконинг таъкидлашича, ҳукуматнинг олдиндан тайёргарлик кўргани сабабли Украина глобал молиявий инқироздан муваффақиятли тарзда чиқиб кетиши мумкин.

● **Катар** Бош вазири юз берган глобал молиявий инқироз жараёнини енгиб ўтиш мақсадида ўз мамлакатининг жаҳон ҳамжамиятига ёрдам беришга тайёрлигини билдирди.

● **Ҳиндистоннинг** Ассам штатида 13 та портлаш амалга оширилди. Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Натижада 60 га яқин одам ҳалок бўлган, 300 дан ортиги тан жароҳати олган. Портлашлар штатдаги савдо мажмуаларини, маъмурий бинолар ва турли ташкилотларнинг офисларида амалга оширилган. Сўнги пайтларда Ҳиндистонда амалга оширилган бундай ҳаракатлар 150 га яқин одамнинг умрига зомин бўлган.

● **Англия** пойтахти Лондон шаҳрида ҳажм жиҳатдан катталиги 30 футбол майдонига тенг келадиган савдо маркази иш бошлади. Ушбу мажмуа йириклиги бўйича Европада биринчи ўринда туриб, ундан 256 та дўкон, 50 та ресторан ва кинозал ўрин олган. Савдо мажмуаси қурилишига 1,7 миллиард фунт стерлинг маблағ сарфланган.

● **Хитойдан** экспорт қилинадиган товук тухумлари маҳсулотларидан захарли меланин моддаси топилгани учун, Гонконгда Хитойдан келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларини ялпи текширувдан ўтказиш тадбирлари бошланди.

● **Ҳиндистонлик** гроссмейстер Вишванатан Ананд россиялик рақиби Владимир Крамник устидан ўн бир партия бўйича 6,5:4,5 ҳисобида галаба қозониб, жаҳон чемпионлигини кўлга киритди. У энди ўз мақомини болгариялик Веселин Топалов ва америкалик Гата Камский ўртасидаги баҳсда голиб чиққан шахматчидан 2009 йилда ўтказиладиган беллашувларда ҳимоя қилади.

● **Футбол бўйича** Польша терма жамоасининг янги бош мураббийси Гжегош Лято агарда Украина муайян қийинчиликлар туфайли 2012 йилги Европа чемпионатини ўтказишга қодир бўлмаса Польша Германия билан биргаликда мазкур нуфузли турнирни қабул қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Кисса сатрларда

- **ТОШКЕНТ** Давлат педагогика университетиде талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир «Инсон ҳуқуқлари — энг олий неъмат» деб номланди.
- **СОБИР** Раҳимов туманидаги 278-мактабда ўқитувчилар иштирокида «Хорижий тилларни ўқитишда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш»

мавзуда семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дерматология илмий-тадқиқот институтида тери-тасносл хасталикларини даволашнинг самарали усулларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан «Устоз ва шогирд» мавзуда уюштирилган тадбир доирасида йиғилганларга Наргиза Абдуназарова томонидан яратилган «Мус-тақил Ўзбекистон журналистикаси» ва «Тафаккур шажараси» китоблари ташиштирилди.

● **БАДИЙ** академиянинг марказий кўргазмалар залида ташкил этилган ёш rassомлар асарлари кўргазмаси Ёшлар йилига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** аёллар ўртасида волейбол бўйича ташкил этилган Ўзбекистон Кўбоги мусобақалари яқунланди.

● **ТОШКЕНТ** Ислам университетида Саломатлик

МАДАНИЯТ ВА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси томонидан ХАЛҚИМИЗНИНГ МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ МЕРОСИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН, САНЪАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ИЖОДКОР ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР БУТУН ДУНЁДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА.

Жамгарма лойиҳаларини бажаришда иштирок этаётган хорижий шериклар сонини тобора орттиб бормоқда. Британия кенгашининг раиси ва ижрочи директори Мартин Дэвидсоннинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи доирасида жамгарма ҳамда Буюк Британиянинг мазкур халқаро ташкилоти ўртасида 2008-2011 йилларда таълим, маданият ва санъат соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришни кўзда тутадиган Ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

У МДҲ мамлакатлари жамоат ташкилотлари орасида биринчилардан бўлиб ЮНЕСКОнинг расмий шеригига айланди, ўтган йилнинг март ойида эса Парижда бу борадаги тегишли Ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Шунингдек, яқинда Швейцариянинг ҳамкорлик бўйича бюроси ва Хитойдаги йирик жамгармалардан бири Сун Цинлин номидеги жамгарма билан ҳам Ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

— Маданият ва таълим — мамлакатларимиз ўртасидаги Ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг асосидир, — деди Мартин Дэвидсон. — Британия кенгаши дунёнинг 110 давлатида ўз лойиҳаларини амалга оширмоқда. Ўзбекистонда 12 йилдан буён фаолият юритмоқдамиз. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси билан ҳамкорлигимиз

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси ҳамда Британия кенгаши томонидан амалга оширилган муҳим қўшма лойиҳалардан ҳисобланади. Шунингдек, «Офарин» ўзбек миллий чолгу асбоблари ансамблининг Глазгода бўлиб ўтган «Mela» Осие маданияти фестивалида иштирок этиши, Лондондаги Кириллик санъат коллежида ташкил этилган «Ўзбекистон — болалар нигоҳида» фотокўргазмаси ҳам ушбу ҳамкорликнинг самараларидандир.

Британия кенгаши «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказини ҳам қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, бу ерда маҳорат сабоқлари ва тренинглр ўтказиш учун мутахассисларни тақлим этмоқда, ресурс марказига адабиётларни етказиб беришмоқда, «Lingvo.master.uz» тил ўрганиш маркази ишларига ёрдам беришмоқда.

А.ИВАНОВА
ЎЗА муҳбири

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

нади. У МДҲ мамлакатлари жамоат ташкилотлари орасида биринчилардан бўлиб ЮНЕСКОнинг расмий шеригига айланди, ўтган йилнинг март ойида эса Парижда бу борадаги тегишли Ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Шунингдек, яқинда Швейцариянинг ҳамкорлик бўйича бюроси ва Хитойдаги йирик жамгармалардан бири Сун Цинлин номидеги жамгарма билан ҳам Ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

— Маданият ва таълим — мамлакатларимиз ўртасидаги Ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг асосидир, — деди Мартин Дэвидсон. — Британия кенгаши дунёнинг 110 давлатида ўз лойиҳаларини амалга оширмоқда. Ўзбекистонда 12 йилдан буён фаолият юритмоқдамиз. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси билан ҳамкорлигимиз

и юқори баҳорлаймиз. Ушбу ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонни хорижга таништиришимиз, Буюк Британияда мамлакатимизнинг ўзига хос маданияти ва санъати ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишларига хизмат қиладиган лойиҳаларни амалга оширишимиз, Буюк Британиянинг меморандум халқларини ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

2007 йилда амалга оширилган ва ёш дизайнерлар ҳамкорлигини ривожлантириш, Буюк Ипақ йўли ҳамда Буюк Британия мамлакатлари маданиятини оммалаштиришга қаратилган «Янги Ипақ йўли ва Fashion Fringe» халқаро лойиҳаси, 2008 йилнинг июнь ойидан 2009 йилнинг январь ойигача Глазгода (Шотландия) давом этадиган кенг кўламли «Буюк Ипақ йўли ранглари: Ўзбекистон сўзана каштачилиги» кўргазмаси

и юқори баҳорлаймиз. Ушбу ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонни хорижга таништиришимиз, Буюк Британияда мамлакатимизнинг ўзига хос маданияти ва санъати ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишларига хизмат қиладиган лойиҳаларни амалга оширишимиз, Буюк Британиянинг меморандум халқларини ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Конституциямиз яшамокда ва амал қилмокда Барча қонунларимиз пойдевори

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ ҲОҚИҚАТИНИ ТАЪМИНЛАШ
ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ЭЪЛОМ ҚИЛИБ, ҲОЗИРГИ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТИНИ АНГЛАГАН ҲОЛДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ ТАЖРИБАСИГА ТАЯНИБ, ДЕМОКРАТИЯ ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ҚОНДАЛАРИ УСТУНИЛИГНИ ТАН ОЛГАН ҲОЛДА 1992 ЙИЛ 8 ДЕКАБРДА ЎЗИНИНГ БОШ ҚОМУСИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Хар бир халқнинг Конституцияси унинг эзу мақсадларининг ҳуқуқий қафолати демакдир. Чунки, давлатнинг келажаги, халқнинг тақдир кўп жиҳатдан унинг Конституциясига боғлиқдир. Конституция халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Эркин фуқаролик жамиятининг асослари — инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик бурчлари, шунингдек, жамиятнинг барча аъзолари ўзaro тенг ҳуқуқларга эгаллиги, мол-мулк ҳуқуқлари, адолат ва инсонпарилари айнан п у б л и к а с и д а аксияни топаққабиллик йўналишлари, зор иқтисодидан очик деҳуқуқий давлат фуқаролик жаллаштирил месаосий Қонулаб қийилган.

Айтиш жоий тамойилтивийликка миятда инсон, эрки, шаъни мати олий қадди. Айниқса, қаришда хар бир фуқаронинг бевосита ёки бивосита иштирок этиш ҳуқуқи ҳам Конституция билан қафолатланган. Чунончи, жамият аъзоларининг сайлов ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда демократик жамиятга хос институт бўлган сайловлар ва умумхалк референдумларидан фойда иштирок этиб, ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифодалаётгани ҳам жамиятнинг нуфузидан далолат беради.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йиллариданок, Конституцияга мос равишда барпо этилаётган эркин фуқаролик жамиятида мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан, хусусий мулкчилик қарор топди. Илгирма йилча аввал ишбилармонлик мулкдо таъкиқланган юрда Истиклол шарофати билан, айнан Асосий Қонунга мувофиқ, тадбиркорлик билан шуғулланиш, мулкдор бўлиш ҳаётимиз ҳақиқатига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига биносан мамлакат иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклардаги мулк ташкил этади. Мулк ҳуқуқи мулқа ҳуқуқ бўлиб, уни бузадиган хар қандай хатти-харакатларнинг таъкиқланганини буюзади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида: “Хар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” деб, 53-моддасида эса “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклардаги мулк ташкил этади. Давлат истемолчиларнинг ҳуқуқи устуунлигини хисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини қафолатлади”, деб таъкиқланган.

Жамият ҳаётида муом ўрин эгаллагани учун Конституцияни мурахаб ва серқирра ижтимоий-сиёсий ҳужжат деб қараймиз. Чунки, Конституция ўзининг асл муҳиятига кўра юридик ҳужжатдир. Ундаги меъёрлар доимо дастурий мавке касб этади. Жорий қонунлар эса Конституциявий қондаларни у ёки бу тарзда ривожлантириш ҳамда ҳаётга табиқ этлаш хизмат қилади. Агарда бирор бир қонун Конституцияга зид келиб қолса ёки унда белгиланган талабларга тўғри келмайдиган даражада ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлса, бундай қонун Ўзбекистон Республикасида қучини йўқотиши турган гап. Бирорта норматив-ҳуқуқий акт юридик қучига кўра, Конституциядан устун бўлолмайди.

Қонун чикарвучи орган иқтисодий юксалиш, бозор муносабатларига боқичма-боқич ўтиш даврида дуч келинадиган қийинчиликлари енгил, тўсиқлари бартараб қилиш, халқимиз ҳаётини яшиллаш, турмуш даражасини янада юкори кўтариш максасида Конституция асосида қонунлар қабул қиладигани бунга мисол бўла олади.

Конституция — мамлакат ҳуқуқ тизимининг бош манбаи. Зеро, жамият ва давлатдаги барча ижтимоий муносабатлар қонун орқали, ҳуқуқ тизими воситасида бошқарилади.

Иқром ИСМОИЛОВ,
Юнусобод туманидаги 6-сонли давлат нотариал идора
нотариуси

Сайловлар — хозирги сиёсий жамиятда оммавий ҳоқимиятнинг ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг муҳим институтидир. Улар профессионал фаолият муҳитини ташкил этади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институтининг мавжудлиги мамлакатда шахс ва давлат манфаатлари билан бир қаторда маҳаллий манфаатларнинг ҳам эътироф этилишини қафолатлади. Бунда маҳаллий манфаатлар мустақиллигининг тан олинши, маҳаллий манфаатларнинг давлат химяосида эканлигидан далолат беради.

Жамият ва давлат қурилишида муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтаётган бир пайтда икки йрим йил аввалги сайлов ақулларига эътиборни қаратишни ўринли деб билдик. Ушунда фуқаролар йиғинларининг 9,941 нафар раиси (оксоколи) ҳамда уларнинг 91 миңдан ортик маслаҳатчиси сайланди. Йиғин раҳбарларининг маълумот даражаси анча юкори: оксоколларнинг 6,451 нафари ва раис маслаҳатчиларининг 41,645 нафари олий маълумотли бўлиб, улар асосан ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар, иқтисодчилар, муҳандислар ва агрономлардир. Йиғин раислари таркиби бирмунча ёшарди: раисларнинг 37,2 фоизга яқини 50 ёшга тўлмаган, 8,9 фоизга яқинининг ёши 40 га ҳам бормаян, 39,5 фоизга яқини 60 ёшга тўлмаган, 13,5 фоизга яқини 70 ёшга етмаган кишиллардир. Йиғин раҳбарларининг 1043 нафарини аёллар ташкил этиди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг қафолатини ўзида муҳассам этган нормалар мавжуд бўлиб, бунга асосан давлат нуқтаи назаридан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувиға муҳим аҳамиятга эга институт сифатида ёндошилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасига асосан “Хар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга” деб белгиланган. Миллий қонунчилигимиз мазкур қондан ривожлантириб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига фуқароларнинг “Давлат ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этиш” ҳуқуқига эгаллиги, шунингдек, “бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш ... органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади” деб эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳоқимияти органларида ўз вакилларига эгаллиги билан чегараланмайди, балки мазкур принципнинг халқ ҳоқимиятининг барча органларига бирдек қўлланилишини белгилаб беради. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солиб туришда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун энг муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов институтининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун ана шундай қонунлар доирасига қиради.

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат қурилиши ўз олдига максасд қилиб олган экан, унинг белгиси сифатида жамоат эканлигидан қайиридан фаолиятини эркинлаштириш, жамият ҳаётида фуқароларнинг фаолигини ошириш, жамоат назоратини ташкил этиш каби омилларни келтириш мумкин. Худди шунинг учун ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзида боғлиқ бўлган ҳуқуқий иждокорликнинг яратилиши маҳаллий даражада ҳам давлатнинг демократик аниҳадлари эътиборини талаб этади. Айнан шу йўл билан аҳолига яқин бўлган, зиммасига аҳолининг қундалиқ турмуш фаолиятини бевосита таъминлаш масалаларини хал эшиш вазифаси юклатилган ижтимоий ҳоқимият тузилмалари шаклланади.

Шу билан бирга фуқаролар йиғини органларига сайланадиган шахсларнинг мандат учун курашишларининг ўзига хос томонлари мавжуд. Нисбатан кам сонли аҳолиси бўлган, ўзаро ёнма-ён joyлашган маҳалларда сайлов бўлишнинг ўзига хосликлари қўийдигиларда намоён бўлади: биринчи на-

уларнинг ролини ошириш зарурлиги билан белгиланади. Қадим-қадимдан маҳалла жамоатчилиқ фикрини шакллантириш, миллий аниҳадлар ва одатларни асраш, турмушдаги кўпгина долларб масалаларнинг хал этиш маркази бўлиб келган. Айнан маҳаллада аксарият ҳолларда сиёсат ва иқтисодиётнинг, давлат ҳаёти ва маданият ҳаётининг муаммоларига доир умумий фикр шаклланади, одамларнинг жамиятдаги хулқ-атвори қондалари белгиланади. Айнан маҳаллада инсон ва унинг қадрқиммати оид муносабат ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

“Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқини, уларнинг жинси, ирки, миллиати, тили, ижтимоий келиб чикиши, мулкй ёки хизматдаги ҳолати, маълумоти, диний эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги ва бошқа ҳолатлардан қати назар, қечлашга йўл қўймайди. Бу норма фуқаролар ҳуқуқини ижтимоий, ирки ёки диний мансублик белгиларига кўра қечлашининг хар қандай қўринишини тўғридан-тўғри таъкиқловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига таънади. Қайд этилган қонун меъёрлари, дарҳақиқат, ушбу принципларни ўзида муҳассам этган. Сайловнинг даврийлиги сайловчиларга сайлов органлари таркибини мунтазаан янгилаб тулаш билан ишонтира олиши демакдир.

Ўзбекистон миллий қонунчилик тизими сайловларнинг ҳаққоний равишда ўтказилишини таъминлайди. Бордию, муайян сабабларга кўра сайловларнинг ўтказилишида айрим қонунбузарликлар, масалан, сайловчилар рўйхатига била туриб сохта маълумотлар ва ёзувларни киритиш, шунингдек, уларни қалбақлаштириш, ўчириш ва бошқа қун билан белгиланган иборат сайлов ҳужжатларини сохташтириш каби харакатлар учраса, мазкур харакатлар судга муурожаат қилиш учун асос бўлади.

Қонунда устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган органлар, мансабдор шахслар ва давлат хизматчилари хатти-харакатларининг аниқ рўйхати берилмайди, чунки бу хол хар қандай харакат ёки қарор устидан, агар улар фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузса, судга шикоят бериш мумкинлигини келиб чиқади. Сайлов вақтида аниқланган қонун ҳужжатларининг бузилиши асосида бўлиб ўтган сайлов натижалари устидан судга шикоят бериш дунё микёсида кенг тарқалган амалиёт ҳидаси бўлиб ҳисобланади.

Суд ҳақиқатдан ҳам, қонунда назарда тутилган қондабузарликлар бўлганлигини аниқласа ҳамда улар сайловчилар хоҳиш-иродаси билдирилиши натижаларини рўйи-рост аниқлашга халатқ берадиган бўлса, сайлов натижалари ҳақиқий эмас деб қарор чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ноқонуний қарорлари ва хатти-харакатлари устидан судга шикоят қилиш имконияти тўғрисидаги қоида шахс ҳуқуқ ва эркинликлари мухофазасини қучайтириш борасида катта аҳамиятга эга.

Гулчехра МАЛИКОВА,
ТДЮИ “Конституциявий ҳуқуқ” кафедраси доценти, юридик
фанлари номзоди

**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик
жамияти сари**
**ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА
ФАОЛЛАШУВ ОМИЛИ**
**ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЧИЛИККА БЕРИЛГАН УМУМИЙ
ТАЪРИФДА ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН МАЪЛУМ МУДДАТГА
САЙЛАНДИГАН МУАЙЯН ОРГАНЛАР УНИНГ ЗАРУР
ХУСУСИЯТИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАДИ. САЙЛОВ
ЖАРАЁНИ ОРҚАЛИ ҲОҚИМИЯТНИНГ САЙЛАНУВЧИ
ИНСТИТУТЛАРИГА ОИД МАСАЛАЛАР МАЖМУИНИ ҚАЙТА
КЎРИБ ЧИҚИШ ВА РОТАЦИЙАСНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БИР ҚАТОР
МУҲИМ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ПРИНЦИПЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ
БИЛАН БОГЛИҚДИР.**

вбатда мазкур ҳолат «ҳамма бир-бирини яхши билиши» билан изоҳланади. Бундай шароитда маҳаллий даражадаги сайловларнинг оммавий ахборот ситалари орқали тарғибот қилишнинг аҳамияти, миллий сайловларда бўлгани каби, у қадар катта аҳамиятга эга бўлмайди, балки аксинча, ушбу вазият олма-ўй юриб сайловчилар билан яқна, яъни индивидуал тартибда иш олиб боришни тақозо этади. Мазкур ҳолатда маҳалларда мандат учун бўлиб ўтадиган курашда қариндошлик муносабатларининг рол, шунингдек, номзод илгари сурилган шахсининг иш жойи ва яқинлари тўғрисидаги ахборотлар ҳам катта аҳамият касб этади. Бу эса бевосита ушбу номзоднинг намунали оила бошлиги, аҳоли ўртасидаги обрў-эътибори, ҳаётий тажрибаси каби омилларга боғлиқдир. Тарихдан маълумки, нолийқ одамларни сайлаб қўйиш жамаога кўп нуқулайликлар ва қўнгили сизликлар келтиришини яхши тўшунган аҳоли оксокол ва унинг ёрдмчиларини сайлаш масаласига доимо жандий муносабатда бўлган.

Хаттоки кичикроқ бир фуқаролар йиғини бошқарувини амалга ошироклик учун инсон етуқлигининг муайян даражаси, атроф дунё ҳақида у тўлган маълумотларнинг тегишли микдори, ҳаётий муаммоларнинг ечишда муайян қўнма ҳамда ўша муаммоларни идрок этиш учун муайян қобилият бўлишини тақозо этади.

Фуқароларнинг йиғинига сайловлар аҳоли олдига масълۇл бўлган органлар ва мансабдор шахслар фаолиятини устидан назорат қилишининг муҳим шакли ҳисобланади. Хар бир сайлов кампанияси фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади, уларнинг энг долзарб эътиёжлари ва манфаатларини намоён этиши билан бирга ижрон таъминлаш учун асос яратди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бошланган сайловлар маҳаллатимизда демократик жараёнларни янада чўқурлаштириш ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамиятга эга. Унинг муҳими, аввало, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг халқ ва давлат ҳаётинида алоҳида аҳамияти, ўтказилаётган кенг микёсли ислохотларда

ШАНХАЙДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САРМОЯВИЙ ИМКОНИАТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).
Хитой ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, мамлакатда давом этаётган хусусийлаштириш жараёнлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишиш имкониятига эга бўлди. Жорий йил биринчи ярмида ўсиш суръатлари 9,3 фоизни ташкил этган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг тобора кўпайиб бораётгани ушбу эришилаётган ютуқларни яна бир қарра тасдиқлади.

Давра суҳбатида хитойлик ишбилармонларга Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритишининг устувор йўналишлари, мамлакатимиз нефт ва газ, тоғ-кон санаяти, сайёҳлик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотларини етиштириш борасидаги салоҳияти тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун яратилган ҳуқуқий пойдевор, жумладан, ишлаб чиқариш корхоналари ва ишбилармонлар имкониятларини кенгайтириш йўлида қабул қилинган қонун ҳужжатларига тадбир иштирокчилари эътибори қаратилди.

Мазкур ахборотларни эўр қизиқиш билан тинглаб экан, меҳмонлар давра суҳбатида икки мамлакат ўртасидаги сармоявий ҳамкорлик ва савдо муносабатларини ривожлантириш истиқболларига оид масалалар муҳокамасида фаол иштирок этиди.

Бўлиб ўтган баҳс-мунозара давомида Хитой ишбилармон доиралари вакиллари ўзбекистонлик ҳамкорлар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва республикада ўзаро манфаатли бизнесни амалга ошириш, жумладан, келгусида экспортга мўлжалланган санаят маҳсулотларини биргалликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятларини муҳокама қилди.

«Жаҳон» АА,
Шанхай

ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ТОПШИРИЛДИ

**АЙНИ КУНЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ
БАРЧА ХУДУДЛАРИДА БАЛОФАТ ЁШИГА ЕТГАН
ФУҚАРОЛАРГА ПАСПОРТ ТОПШИРИШ
МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**

Жорий йилда Учтепа туманидаги 16 ёшга тўлган ўғил-қизларнинг 3164 нафарига фуқаролик паспорти топширилди. Жумладан туманининг Каттақўрғон маҳалласида истиқомат қилувчи 40 нафар ёшларга “Ўзбекистон фуқароси паспорти” тантанали равишда топширилди. Фуқаролик паспортини олган ёшлар бугун мустақил ҳаётга қадам қўйишди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, ота-оналар, профилактика инспекторлари ҳам иштирок этиди.

Тадбирда Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодни хар томонлама баркамол, етуқ фарзандлар этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганлиги, уларнинг юксак камолотга эришишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилганлиги хусусида сўз юритилди. Қўлига фуқаролик паспортини олганлар янги, мустақил ҳаётга қадам қўйишди, улар улғайганлиги, энди улар Ўзбекистон фуқароси номига муносиб бўлиши зарурлиги таъкиқланди.

Паспортларни тантанали топшириш маросимига сўзга чиққанлар ёшлар онига ватанпарварлик туйғусини синдиришда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёс эканлигини алоҳида таъкиқлашди.

Бундан ташқари, тадбир давомида ўқувчи ёшлар фуқаролик паспорти бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Ички ишлар ходимлари томонидан паспортнинг аҳамиятли жиҳатлари, уни сақлаш, паспортни инсон ҳаётида тутган ўрни ва ундан фойдаланиш қонун-қоидалари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
“Туркистон-пресс”

Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа

**МАКТАБЛАР МАВСУМГА
ШАЙ**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ
ШУ ЙИЛ 29 МАЙДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
“РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИНИ
2008-2009 ЙИЛЛАР КУЗ-ҚИШ ДАВРИДА
БАРҚАРОР ИШЛАШГА ТАЙЁРЛАШНИ
ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
Тўғрисида”ги ҚАРОРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН
ПОЙТАХТИМИЗНИНГ УЧТЕПА ТУМАНИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ҲАМ МУАЙЯН ИШЛАР
АМАЛГА ОШИРИЛДИ.**

Туман халқ таълими бўлими тасарруфидоги жами 92 муассасанин 33 таси умумтаълим мактаби, элликтаси мактабгача таълим даргоҳларидир. Шунингдек, туманда тўққизта мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Йил давомида мазкур муассасаларда туман «Иссиққувват» ва «Учтепа таъмир» масъулияти чекланган жамиятлари томонидан қурилиш-таъмирлаш ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, 245- ва 287-умумтаълим мактабларининг томи таъмирдан чиқарилди.

Учтепа туман халқ таълими бўлими мудирини ўринбосари Азиз Икромовнинг айтишича, айни вақтда тумандаги барча мактабгача таълим муассасалари иссиқлик қуввати билан тўла таъминланган. Уқув муассасаларида қиш мавсумига тайёргарликни янада кучайтириш ишлари давом эттирилмоқда.

Турсунбой ЗИКИРОВ
(ЎЗА)

Шифо масканларида ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР СОҒЛИГИ — МУҲОФАЗАДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЎЧАЙИБ БОРМОҚДА. АЙНИҚСА, ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР СОҒЛИГИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, ЁШ ОИЛА ВАКИЛЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИгини НАЗОРАТ ҚИЛИШ, ЎСИМ КИЗЛАР ГИГИЕНАСИНИ Тўғри ТАШКИЛЛАШТИРИШ, ОИЛАДА ТИБИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, ЁШЛАРНИ НИҚОҲГА ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДА БИР ҚАНЧА САМАРАЛИ ИШЛАР УОШТИРИЛМОҚДА.

сина йўқотган оилаларга ҳам алоҳида эътибор билан қараймиз. Уларнинг оиласига таширф буюриб, хар бир оила аъзоси билан алоҳида суҳбат қураимиз ва тўшунтириш ишларини олиб борамиз. Муассасамизда малакали шифокорлар ва ҳамширалар хизмат қиладилар. Асосий вазифамиз эса халқ саломатлигини тиклаш ва уларга беминнат хизмат қилишдан иборатдир. Хар бир фуқаро ўз соғлигини ўзи назорат қилиши ва жамиятнинг соғлом фикрли ишчан аъзоси бўлишга харакат қилмоғи лозим. Бинобарин, юрт бойлиги, ҳалқ тижчилиги ва осийишталиги инсон саломатлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Тадбир доирасида оилавий поликлиниканин шифокор ва ҳамширалари ўртасида «Бахтли она бўлинг» деб номланган танлов ҳам ўтказилди. Унда иштирокчилар ўз касбларидан келиб чиқиб белгиланган шартларга ижобий жавоб берган ҳолда, уларни амалий равишда ҳам бажариб кўрсатдилар.

Тадбир доирасида 25 йилдан бери ушбу поликлиникада фаолият олиб бораётган олий тоифали шифокор Фоти-

ма Алиева ҳам сўзга чиқиб инсон саломатлигини муҳофазалаш, кишилари турли хил дардлардан фориг этиш, беморларга сидқидилдан ёрдам кўрсатиш асл шифокорнинг бурчи эканлигини таъкиқлаш баробарида ёш шифокорларга ўз тажрибасидан сабоқлар бериб ўтди.

Дарҳақиқат, бугунги куннинг энг долзарб масаласи инсон саломатлигидир. 22-оилавий поликлиника жамоаси айни дамда Иброт, Хондамо, Хуршид, «Қорёғди», «Бешқайрағоч», «Кўркамобод» каби 20 та маҳалланинг қарийб 57 миңга яқин аҳолисига самарали тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Феруза Йўлдошева, Фоти-ма Алиева, Нодира Абдусаматова, Лола Габитова, Гулмира Қодирова каби бир қанча малакали шифокорлар эса инсонларнинг саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб ёш мутахассисларга намуна бўлмоқдалар.

Тадбир жараёнида фойлиб шифокор ва ҳамшираларга муассасаниннг махсус совғалари топширилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.



TOSHKENT SHAHAR BO'LMI
AMOLOT

Туман Кенгашлари фаолиятидан

ЗАКОВАТЛИ ФАРЗАНДЛАР — ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ

МАЪЛУМКИ, УНИБ ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ, СОГЛОМ ТУРМУШ ТАЛАБЛАРИ АССИДА ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИНГ МАНОФАТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ЁШ ЙГИТ-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗ АҚЛ-ЗАКОВАТИ, КҮЧ-ҒАЙРАТИНИ ТҮЛА НАМОЁН ЭТИШИ, ЖАМИЯТДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШЛАРИ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЙЎЛИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «КАМОЛОТ» ЁИХ ҲАҚИДА БУГҮН ҲАҚЛИ РАВИШДА ЯХШИ ФИКРЛАРНИ БИЛДИРИШ МУМКИН.

Хусусан, «Камолот» ЁИХ Шайхонтохур туман бўлими Кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам фикримизга яққол мисол бўла олади.
— Ушбу ташкилот 2001 йил 25 апрел кун Ташсис қурултойи қарори билан иш бошлаган дақиқаларда Юрт-бошимиз ёшларнинг янги ташкилоти қандай бўлиши ҳақида фикр билдирган эдилар: «Харакат ёшларга амалий ёрдам бериши, уларнинг ҳаётдаги тўғри йўлни танлаб олишида таянч ва сўянч бўлиши, ёшларнинг бошига синовлар туғишда, дейлик, моддий-маънавий мададга муҳтожлик сезган пайтларида қўллаб-қувватлаши даркор». Ушбу қимматли фикр-

лар бизга фаолиятимиз давомида дастуруламал бўлмакда, — дейди «Камолот» ЁИХ Шайхонтохур туман бўлими Кенгаши раиси Дилноза Ирмухамедова. — Ушбу фикрлардан келиб чиққан йўлни кўрсатиб, ўқишда, ишда, касб-хўнар эгаллашларида яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилиб келмокдамиз. Яъни, турли мавзулар доирасида тадбирлар, соҳа мутахассислари иштирокида қизикarli учрашувлар, элимиз ардоғидаги олим-шорилар билан юзма-юз мулоқотлар, турли спорт мусобақалари, фан олимпиадаларини ўтказиб келмокдамиз. Айниқ-

са, маҳаллаларда истикомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда маҳалла ёшлари билан кўпроқ мулоқотда бўлишга, уларнинг спорт билан шуғулланиб, турли хунарнинг этакини тутишига интиламиз, имкон борича моддий-маънавий қўллаб-қувватлаймиз. «Кички таътил истеъдодлари», «Камолот»дан Янги йил!», «Кўчма арча», «Интеллектуал олимпиада» каби лойиҳалар, «Сиз қонунни биласизми?», «Ташаббус-2007», «Энг ёш истеъмолчи-2008» каби кўрик-танловлар, «Самимизга қўйилинг», «Нима? Қачон? Қаерда?» каби ақл-заковатни чархловчи, миллий халқ ўйинларига бўлган эътиборни кўчатириш мақсади-

да «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Миллий халқ ўйинлари», «Варрақлар сайли» фестиваллари шулар жумласидандир.
Туман кенгаши туман «Маҳалла» жамғармаси, туман халқ таълими бўлими, Болалар ижодиёти уйи, туман ИИБ, прокуратура каби бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Тумандаги Тошкент Аллоқа транслети, Шайхонтохур транспорт касб-хўнар коллежи, II-Республика тиббиёт коллежи, 98, 320, 186, 254-каби бир қатор мактабларда,

«Хадра», «Шайхонтохур», «Илгору», «Октепа», «Янги Камолон», Ибн Сино, «Сархумдон», «Қоратош», «Зангиота», «Оқ-илон» каби маҳаллаларда ўтказиб келинган «Ёшлар «Камолот» билан!», «Биринчи тиббий ёрдам», «Кўчма оммавий спорт», «Кўчма кино» каби тадбирлар, «Сиёсий-ҳуқуқий ва диний саводхонликни ошириш» каби давра суҳбатлари ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва диний саводхонлигини ошириб келмокда. Ёшикам таъминланган оила фарзандларини ёш таътил кунларининг мазмуни ўтиши йўлида ташкил этилган тарихий шахарларга

саёҳатлари яхши таассурот қолдирилмоқда.
«Камолот» ЁИХ туман бўлими «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси, ёшларнинг маънавий-жисмоний камолоти йўлида мунтазам равишда турли тадбирлар, спорт мусобақалари ва фестивалларни ўтказиб келмокда. Мақсад келажак эгалларини тўғри йўлга бошлаш, жисмонан соғлом, ҳар томонлама комил ёшларни воёга етказиш ва уларни она-Ватанга садоқатли, ватанпарвар, элпарвар бўлиб воёга етишларига муносиб ҳисса қўйишдир.
Шоира МУХАМЕДОВА



СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

- Олимларнинг фикрича, инсон 120 йил умр кўриши мумкин экан. Лекин одамнинг умри 120 йилни ташкил қилиши кийин ҳолатдир. Бундай бўлишига сабаб инсонларнинг кам ҳаракат қилишидир. Ёш ва соғлом инсон иложи борича кўп ҳаракат қилиши даркор. Юрак фаолиятининг яхши ишлаши учун ҳам доимо ҳаракатда бўлиш керак. Юракнинг соғлом бўлишида бир кунда 40 дақиқа жисмоний меҳнат ёки бадантарбия билан шуғулланиш мақсадга мувофиқдир.
- Исроилда ишлаб чиқилган янги жарроҳлик операцияси усули жаҳон даражасида нобў бўлиб қарлар, шу жумладан, туғма қар бўлган болакайларга эшитиш қобилиятини қайтариш имкониятини беради. Операциянинг нобўлиги шундан иборатки, ички қулоқдаги жароҳатланган товуш механизмининг айланиб ўтиб, қулоқнинг асосий эшитиш органи «чиганоқ» қулоққа трансплантация қилинади ва у электродлар билан бевосита уланади. Янги ишланма Тель-Хашомердаги «Шива» тиббий маркази лор бўлими мудир профессор Йона Кроненберг томонидан ишлаб чиқилди. Профессор Кроненберг «Маарив» газетасига берган интервьюсида таъкидлаганидек, ички қулоқнинг асосий унсурини бўлган қулоқ чиганоғи операцияларда одатда нозик электродлар сингдирилган ва чиганоқ эшитиш нервига уланади. Бунда шунини эътиборга олиш керакки, касаллик ёки жароҳатланган натижасида эшитиш қобилиятини йўқотганларда ҳам, туғма қарларда ҳам мазкур нерв узилган бўлмаш шунчаки ўчиб қолган ҳолат. Қулоқнинг мазкур чиганоғи ўз навбатида 2,5 оборотга айлангилган спиралли трубкани эслатади ва нозик плёнка билан ички бўлимга ақрилатилган. Ташқидадан ахборот олиб келган товуш тўлқинларини қабул қилиш оқибатида қулоқ пардаларининг тебраниши уларни қулоқ чиганоғи ва ички қулоқ махсус қурилмаси ёрдамида механик тебранишларга айлантирилади ва чиганоқдан эшитиш нервига ўтказилади. Исроилда ишлаб чиқилган услубиятнинг хусусиятлари шундан иборатки, умумий нархоз остида ўтади ва икки, уч соат давом эттиданган операциялардан фарқли равишда бир соатдан кам вақтни олади ҳамда одатда мушкул оқибатларга олиб келмайди.
- Кейинги бир неча йил мобайнида эгизак ёки бир йўлга учта чақалоқ туғилаётган оилалар сони икки баробар кўпайиб кетди. Оммавий ахборот воситаларида ёзилишича бундай мўъжизани соддагина қилиб изоҳлаш мумкин. Хитой аёллари биттадан ортиқ фарзанд кўриши таъқиқлайдиган қонунни четлаб ўтиш учун махсус дори қабул қилмокдалар. Кўпчилик аёллар бепуштлиқни даволаш учун доридан фойдалансалар, баъзилар эгизак ёки бир йўлга учта бола туғиш учун уни истеъмол қилишади. Газеталардан бирида ёзилишича, 2005 йилда Нанкин вилоятидаги битта касалхонада 90 мартаба эгизак туғилган, бундан аввал эгизаклар туғилиши 20 тадан ошмасди.
- Англия газеталарининг бири 1889 йили қилич балиқларнинг қандай катта қучга эга эканилиги ҳақида шундай мақола эълон қилган. Норвегия кемаларидан бири Монтевидеодан қилб Квебекка кетаётганда кеманинг остки қисми унга келиб урилган қандайдир қучдан жароҳат олади ва тешилиб кемага сув қира бошлади. Текширишларда кемага урилган нарса нима эканилигини аниқлашнинг имкони бўлмади. Кема чўкиб кетмаслиги учун унга сизиб кираётган сувни махсус мотопомпалар орқали сўриб олиб, кема ташқарида чиқариб туришади. Кема Квебекка эсон-омон етиб келганидан сўнг, юкни тушириб яшилаб текшириб кўрилганида кема тағдир унга санчилиб қолган қилич балиқ тушганини бир бўлгаи топишган. Балиқ қиличи кеманинг металл қоламасини, олти дойм қалинлиқдаги тахтани тешиб ўтиб, кема ичига 11 дойм кирган.
- Тиш нега оғрийди? Бунинг сабаби қўп. Улар орасида шундай бир сабаб ҳам бор: тишимиз баъзан зирак тақийдан ҳам оғрийди. Бундай қараганда, зирак тақий беозор бир ишга ўршади. Қулоқнинг юмшоқ жойини тешасиз, янги зиракни тақий олмасиз. Аслида бу иш унчалар жўн эмас экан. Уша биз зирак тақийдиган юмшоқ жойда қўп, тиш, тил, юз, мускуллари, қулоқ билан боғлиқ бўлган 11 та нукта мавжуд экан. Агар озгина эҳтиётсизлик қилиб, қулоқни тешаётганда ана шу нукталардан бирини айтлайди, тиш нуктасини жароҳатлаб қўйиши натижасида тиш оғрийди келиб чиқishi мумкин. Бунинг устига агар зирак банди нодир металлдан ишланган бўлса, оғриқ ҳақ вақт чўзилади. Тишдан кейин қўп оғрий, кўрш қобилияти сустайиши мумкин. Фарбий Германиянинг айрим шифокорлари зирак тақий ҳар қандай ҳолда ҳам зарарли деб ҳисоблайдилар.
- Биласизми, Англияда улкан чинни чойнак бор. Унинг бўйи 3,3 метр бўлиб, ичининг кенлиги 5,4 метр-дир. Бу чойнак ёлғиз бўлмаш учун тарелкалар ва дастали пйбеласи ҳам бор. Англиялик ҳаммабларидан қолшимизми, деб самарқандлик чиннасизлар ҳам катта чойнак ишлаб чиқаришга уриниб кўришди. Бир неча дона ва турли нусxada бўлган бу чойнақнинг бўйи 30 сантиметр, эни 35 сантиметр. Ичига етти литр сув кетади.
- Бизнинг юртимизда ҳам буйинбоғ ишлаб чиқаришда, бироқ рекорд ўрнатиш учун эмас, аксинча эр-кактар учун. Франциянинг Тулуза шаҳридаги буйинбоғ тўқувчилар янги рекорд ўрнатишди. Янги тикланган буйинбоғ 61 метрни ташкил этди. Шу пайтгача рекордлик шоҳсупасида турган италияликларнинг 44 метрлик буйинбоғлари эндиликда ортда қолди.
- Япон мутахассислари қозғондан юпка бўлган акумулятор яратишга муваффақ бўлдилар. Бунда икки орган сифатида каттик электродлардан фойдаланилди. Рубидий, мис, йод, хлор ва базили бошқа қўшимчаларни ўз ичига олувчи кукун изоляцияловчи полимер билан аралаштирилади. Олинган масса юпка қилиб суртилади. Каттик электродли оқиб кетмаслиги, одамларга зарарсизлиги ва атроф-муҳитни бузмаслиги билан ажралиб туради.
- Икра берувчи япон балиқларининг 56 мингтаси Чилининг Конейке шаҳри яқинидаги қўлга қўйиб юборилган. Улар икки йил Кларо дарёсининг у боши билан бу бошига сўзиб бордилар ва жойларига қайтиб келишди. 17 йил давом этган тажриба давомида Шимоллий ярим шар балиқлари Жанубий ярим шарда яшаб бошладилар. Олимлар япон балиқлари Чилида икра беришига ишонч ҳосил қилишди.
- Янги Дехлдан Аграга қатнайидиган сўнгги моделдаги, соатига 150 километрғача юрадиган экспресс поевзд йўлга чиқди. Янги поевзд йўловчиларни Хиндистон пойтахтидан ўзининг меймориий дурдонаси — Тожмаҳал мактабаси билан бутун оламга машҳур Аграга бор-йўли икки соатда элтиб қўяди. Хиндистоннинг ўзида қурилган бу экспресс немис модели асосида ишлаб чиқилган ва кўп қулайликларга эга. Унинг тормоз тизими аввалги электровозларникига нисбатан пухтароқ, Шунингдек, махсус буфер тўсиғи ҳам ўрнатилган бўлиб, у фозиа оқибатларини ҳам қамайтиришга қодирдир. Яна бир хусусияти шундаки, экспрессда доимий равишда буфет ишлаб туради. Хиндистон поевздларида бундай ҳолатлар қамдан кам учрайди.

Музейларда

ЁШЛАР УЧУН ЎРНАК

ЎЗБЕК РАҚС САҢЪАТИ. БУ СЎЗНИ ЭШИТГАН ҲАР БИР ИНСОН КЎЗ ЎНГИДА МИЛЛИЙ РАҚСИМИЗНИНГ ЖОЗИБАСИ, УНИНГ БОЙ ТАРИХИ ҲАМДА МАШҲУР САҢЪАТКОР РАҚСОЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИ ГАВДАЛАНАДИ. РАҚС САҢЪАТИНИНГ ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАН МАНА ШУНДАЙ ЎЧМАС ЎРИН ЭГАЛЛАШИДА ТАМАРАХОНИМИНГ ҲИССАСИ БЕКИЁС БЎЛДИ. САҢЪАТ ЙЎЛИДА ШУНДАЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРДИКИ, БУГҮН БУ ИЗЛАНИШЛАР ЁШЛАРИМИЗГА ЧИНАКАМ САВОҚ БЎЛА ОЛАДИ.

Ёш авлоднинг саҳъат йўлида кераклича қўшиб изланишлари учун Мирзо Улукбек туманида Тамарахонимнинг ўй музейи ташкил этилган. Ушбу маскан бугун энг гавжум музейга айланган. Музейни кўздан кеирав экансиз турли хил миллатларга мансуб жозибадор либосларни кўриб беихтиёр қувониб кетасиз. Улар ичига ўткир дид билан безатишган, мухир дизайнерлар томонидан ишланган, қўшни ва жаҳон халқларининг ўз давридаги қимматбахо миллий кийимлари ўрин олган. Уларни қимматбахо дейишимизнинг боиси шундаки, улардаги ҳар бир зар, ҳар бир безак саҳъатнинг мукамал асарлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу либослар жуда катта бадий қимматга эгадир. Жаҳон халқларининг ўндан ортиқ рақс ва қўшиқлари санъаткорнинг доимий равишда янгилашиб турган репертуарларидан жой олганди.

Янги рақс, янги образ, янги либос бўёқ ва турли мамлакатларнинг тинсосоли. Ер шарининг турли бурчакларидаги миллионлаб томошабинлар рақосанинг мафтункор рақсларини ҳамон ёдда сақламокдалар. Музейда тез-тез мусиқий- адабий кечалар, ёш расомлар асарларининг кўргазмалари ўтказилиб туради.
Тамарахоним ўзининг бутун хаётийни ўзбек рақсларини ўрганиш, уни тарғиб этишга бағишлагани барчамизга маълум. У этнографик манбаларни чуқур ўрганди, улардаги энг ёрқин, энг характерли халқ ижодий меросини аниқлади, республикамиз вилоятлари, ҳатто энг чекка туманларидаги, сўнгга кичик-кичик минтақалардаги халқ ижрочилиги усталарининг маҳоратларини ўрганди ва ўзига хос қўшиқ, рақсларни яратди.
Санъаткорнинг ижоди билан ланишган талабалар ўзларига керакли хулосалар чиқариб олдилар.

Тамарахоним ўзбек қизлари учун жозибадор рақсларни яратиб кетди.
Айни кунда музей қошида ёш истеъдод соҳиб ва соҳибаларини излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тамарахоним номли жамғарма фаолият олиб бормоқда. Музейга катталари ёшлар рақс саҳъатидан, гузалликдан баҳраманд бўлиш учун тез-тез ташриф буюрадилар. Яқинда музейга Ўзбекистон Давлат санъат институтининг ана шундай ижодкор ёшлари иштирокида бир кўнлик саҳъати ташкил этилди. Тадбир давомида институтнинг ўткир калам соҳиблари бўлиши бўлажак санъатшунос журналистлар рақосанинн саҳъат йўли ҳақида етарлича маълумот олишга муваффақ бўлдилар.
Ёш журналист Эркин Фақиров музейни кўздан кеирав экан, шундай деди: «Тамарахоним ёшлигидан рақс-

га қизикар эди. 12 ёшданок бутун водий аҳлига танилиб улгурди. Музейдаги видеотасма ни кўриб рақосанинг серкирра ижодкорлигига ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Унинг 86 миллат тилида қўшиқ хиргойи қилишининг ўзи юксак саҳъаткор эканидан далолат беради».
Бугунги кунда юртимиз фахри бўлмиш ёшларимиз орасида техник кашфиётлар яратган, ижодкор ва чинакам истеъдод соҳибларини қўллаб топиш мумкин. Уларни Тамарахоним сингари буюк ва Ватанимиз шаънини юксакларга кўтарувчи инсон бўлишлари учун фақат ўқишлари, билим олишлари керак. Зеро, билим билан қуролланган инсон энгилмасдир.
Маъруф ХҲАЖАКУЛОВ, Ўзбекистон Давлат санъат институти талабаси, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси.

Ёшлар ижодидан ЎЗБЕКИСТОН

Бағрингда улғайган улғу Темирлар,
Улар сени шонга кетдилар бурқаб.
Буюк Навоийнинг ҳар битта сатри,
Ҳар дилга эзгулик туради пурқаб.
Сен ўзинг тарихга тиллапоясан,
Ҳар шаҳринг мозийдан айтур ҳикоя.
Баланд минорларинг сеҳрга бойдир,
Улар гўё баланд, қўл етмас қоя.
Сен билан мен чиндан фахр этурман,
Она Ўзбекистон — бебаҳо дийр.
Шу кичик қалбимда сенга аталган,
Эътиқод, садоқат, улкан меҳр бор.
Достон МУЗАФФАРОВ

Юртимизда иқтидорли ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, навқирон авлоднинг тафаккури, илмий ва ижодий салоҳиятини умумбашарий ва миллий қадриятлар билан уйғун ҳолда шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ҳам ўзининг фаолияти билан ёшларнинг камолот сари интилишга, ҳар томонлама камол топишига ҳисса қўшиб келмокда. Телеклубда бугун 3 асосий гуруҳ фаолият олиб боради. Гуруҳлар ҳозирда 200 нафар иқтидорли ўқувчи ва талаба-ёшларни бирлаштирган.
Клубнинг «Ёш сиёсатчилар» гуруҳи ёшлари томонидан бир йил давомида 10 га яқин давра сўхбатлари, 5 дан ортиқ семинар- тренинглари, бир қатор мактаблар, коллежлар, академик лицейларда кўчма давра сўхбатлари ташкил этилди. Бу ишларнинг барчасида ёшларнинг сиёсий билим савиясини ошириш, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиш ва улар ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлиши, келажакда юртимиз сиёсий жараёнида уларнинг фаоллигини янада ошириш асосий мақсад қилиб олинган.
Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган янгилашнинг жараёнида ОАВ-лари бурун халққа мамлакатимизни худудларига содир бўлган воқеаларни кечиктириб эмас, аксинча тезкорлик, аниқлик ва мохироналик билан етказиб бера олса шундагина улар ўз ўрнига эга бўлади.
Бу борада телеклубнинг «Ёш журналистлари ва ОАВ билан ишлаш» гуруҳи самарали ишларни амалга ошириб, телевидение ва радио соҳалари ишига ўз ҳиссасини қўшиб келмокда. Бу гуруҳ

юртимизда ОАВга ёшларни жалб қилиш, шу йўналишда таҳсил олаётган талабаларнинг билим-малакаси ва фаоллигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Гуруҳда айни кунда ташаббускор, ижодкор ёшлар билан қўшимча машғулотлар олиб борилмоқда. Улар учун керакли бўлган саҳна нутқи, актёрлик маҳорати, журналистик сабоқлар, телеоператорлик каби дарслар ёш журналистларга лавҳалар,

инсон хаёти», «Хошиядаги битиклар» каби кўрсатувлар, ёшларни эркин фикрлаш ва ўз фикрини баён эта олишга, нутқий фаолиятини тўла ривожлантиришга, баҳслашишга ундовчи «Умр сурати», «Аёл-она, раҳбар» ток-шоулари, «Камолот» ЁИХ томонидан ўтказилган байрам ва тадбирлар учун фильмлар таяёрлаб, давлат ва нодавлат телеканалларда эфирга беришга муваффақ бўлиб келмокда. Гуруҳ томонидан ўтказилган акциялар, байрам тадбирларининг барчаси юртимиз ёшларининг бўш вақтинини мазмушли ташкил қилишга қаратилган.
Ижтимоий роликлар борасида сўз кетганда телеклуб ходимлари ва аъзоларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий Ахборот таҳлили маркизи ва ЎзЭОАВ-МА, Европа Иттифоқининг молиявий кўмагида «Гивендиликнинг салбий оқибатлари ҳақида оғохлантиришда ОАВ кампанияси» лойиҳаси доирасида «Мен соғлом турмуш тарзини танлайман. Сен-чи?» номли танловда телеклуб ходимлари «Биз соғлом турмуш тарafdоримиз» номли ролиги билан иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгаллаганлиги фикримизга далил бўла олади.
Бугун телеклуб ходимлари замона-

вий ва анъанавий услубда, ёшларни жипслаштириш, бирлаштиришни асосий мақсад қилган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Жумладан, ёшларни инсонпарварлик руҳида камол топишга, уларнинг қалбида она Ватанга, юртга садоқат ҳиссини янада ўстиришга асосий эътибор қаратилган.
Ҳозирда телеклубда болалар қўрсатувини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, Тошкент телеканалда эфирга узатилаётган «Хандонча» ва «Юртим жамоли» кўрсатувлари шулар жумласидандир. Болалар кўрсатувлари учун 15 нафардан ортиқ иқтидорли ўқувчилар жалб этилган.
Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркизи, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий Ассоциацияси ҳамкорлигида, ёш авлоднинг мустақиллик ва миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш ва улардаги ташаббус ва ҳаракатлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз ва бутун дунё миқёсида юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни атрофлича ёритиш, кенг жамоатчиликка етказиш, ўз маҳоратларини ошириш орқали келгусида мустақил касб эгалари бўлиб етишиш, худудий ОАВ учун кадрлар захирасини мустаҳкамлаш мақсадида телеклуб қошида «Ёш ижодкорлар» студияси ташкил этилди. Бугунга қадар телеклуб ходимлари ва аъзолари ушбу қўрсатувга бир қатор саҳифаларни тасвирга олиб, эфирга тайёрлаб келмокдалар.
Мансур ХҲАМБЕРДИЕВ

«БУНЁДКОР» ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

ЖОРИЙ ЙИЛДА ЎЗ ИШ ФАОЛИЯТИНИ 150 ДАН ОРТИҚ ФАОЛ АЪЗОЛАРИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРГАН ТЕЛЕКЛУБ, ЁШЛАРНИНГ ТАШАБУС ВА ҒОЯЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА БИР ҚАНЧА ДАВРА СУХБАТЛАРИ, СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР, БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА ЭРИШДИ.

роликлар ва кўрсатувлар тайёрлашда ҳақиқий амалиёт мактаби вазиасини ўтамоқда. Бугун бу гуруҳ аъзолари ичиде давлат телевидениелари талабига жавоб бериш даражасидаги қўллаб иқтидорли ёш журналистларни, телеоператорларни, кадр ортида ишловчи мутахассисларни, саҳна нутқига эга бўлган актёрларни топиш мумкин.
Телеклубда энг кўп аъзога эга бўлган гуруҳларда яна бири «Кўрсатув тайёрловчи ёшлар» гуруҳидир. Бу гуруҳнинг фаолиятини алоҳида эътироф этиш мақсадида мувофиқ бўлади. Кўрсатув тайёрловчи ёшлар гуруҳи ўз номига содик қолган ҳолда фаолият олиб боради. Бу гуруҳ ёшлар иштирокидаги тадбирлар ва давра сўхбатларини ёритиб берувчи «Ёшлар минбари» кичик лавҳалар, «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури учун информациялар лавҳалар, ёшлар ҳаётида содир бўлган воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи «Сулола», «Бир



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ХИКМАТЛАР

Турли асарлардан

(Шоислом Шомухамедов таржимаси)

Кўксингни хазина қилолсанг агар, Донолар лабидан тўкилув гавхар.

Мансаб билан баландмас одам, Мансаб одам билан мухтарам.

Зийрагу донодир фақат шул одам, Сабру тоқат топса оғир дардда ҳам.

Ақли деб билган ҳар бир кишида Девоналиқдан ҳам бордир бир асар. Дунё ташвишидан шу девоналиқ Соясида фақат омонлик топар.

Она эмас менга фақат қиммат зот, Унинг мартабаси бундан ҳам зиёд. Ишларин ривожин ўшанда кўрдим, Бу бахтим ва тожим ўшанда кўрдим.

Жаҳонда энг олий неъматдир фарзанд, Фарзанд бўлур ёлғиз жонунгга пайванд. Фарзанд бирла тўлур мақсудинг жами, Фарзанд бирла қолур ҳар кимнинг номи. Тирикликда ундан кўзларинг равшан, Йиқилсанг кўлингни тутувчи норинг, Оёбинг таянчи, кетса мадоринг. Белинг қуввати у, суянган тогинг, Ёшлигинг, кўз нуринг, равшан чирогинг. Дўстлар ёрдами-ла маҳв ўлса душман, Фарзандинг жон тикар, бошқалари — тан.

Белинга қувватинг бор, айла гайрат, Ҳали ёшлик замонинг катта давлат.

Ким хунарни деса, у доно бўлур, Нодонлар қудрат деб бойликни билур. Одамнинг қиммати эмас симу зар, Одамнинг қиммати билим ҳам хунар.

Ҳар ким ўз айбини кўролса яхши, Хунар аҳли ичра пешво бўлади. Ўз айби дил кўзи ўнгини тўсиб, Бошқалар айбига ибто бўлади.

Билимдонлар сўзи бордир бу бобда: "Билимдон гўрдаю илми китобда!" Агар ёлғиз эсанг, ҳамдам китобдур, Билим субҳидаги нур ҳам китобдур.

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда, Гамхўринг бўлғай у гамли замонда. У билан қол танҳо ҳеч бермас озор, Жонингга юз роҳат бергуси такрор.

Илм — барча хунарни тожи — бебаҳо. Илм — ҳамма қулфнинг калиди — аъло.

Энг зарур билимни кунт билан ўрган, Зарур бўлмаганин ахтариб юрма. Зарурини ҳосил қилгандан кейин, Унга амал қилмай ҳеч умр қурма.

Тунлар бошдан-оёқ уйкуда ўтса, Ажабмас ярим умр бехуда кетса.

Талаб гирдобе кенг ҳам жуда узок, Илм дарёси ҳам чуқур, бекиргўқ Топганинга асло қаноат қилма, Шитоб қила бергин, чарчашни билма. Файрат қилу, билиб олишга тириш, Билиб ол-да, сўнгра чин ишга кириш.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Анжуманлар

ТАБИАТНИ АСРАЙМИЗ

БУГУНГИ КУНДА ЁШ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА, АЙНИҚСА УЛАРНИНГ ҚАЛБИДА ОНА ВАТАНГА, ТАБИАТГА БЎЛГАН МЕҲР-МУҲАББАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИДИР.

Маълумки, ҳозирги даврда фан ва техниканинг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, саноат ва кимё корхоналарининг кўлаб кўрилиши ва уларнинг фаолияти инсон учун, жамият учун иқтисодий аҳамиятга эга бўлсада, уларнинг салбий оқибатлари ҳам кўлаб кузатишмоқда. Айтиш жоизки ҳозирда мамлакатимиз ҳудудида катта қурилиш ишларини олиб бориш, автотранспортлардан ва завод, фабрикалардан чиқётган захарли газлар натижасида биринчи навбатда атмосфера ҳавосининг табиий ҳолати бузишмоқда. Оқибатда иқлим ўзгариши, Иқлимнинг ўзгариши, яъни ҳаво ҳароратининг кўтарилиши умумбаршарий экологик муаммога айланди, унинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш эса бугунги куннинг асосий масалаларидан саналади.

"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ўсиб келаётган ёш авлодга иқлим ўзгариши, барқарор ривожланиш ҳамда экология ва инсон саломат-

лигининг ўзаро боғлиқлигини тушунтириш, иқлим ўзгаришининг асосий сабаблари ва унинг оқибатлари тўғрисида маълумот ва тушунарлар бериш, ёшлар ўртасида экологик билимларни тарғиб қилиш, уларни табиатни севиш, ардоқлаш ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш мақсадида Ёшлар йилига бағишлаб коллеж ва лицейлар, ўрта мактабларда "Келажакимиз ва экология" дастури асосида "Иқлим ўзгариши, экология ва инсон саломатлигининг долзарб масалалари" мавзусида семинарлар ўтказиб келмоқда. Мазкур анжуманларда ўқувчилар фаол иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тўлиқ жавоблар олишмоқда. Жумладан, яқинда ана шундай семинарларнинг навбатдагиси Собир Раҳимов тўғрисидаги 28-ўрта мактабда бўлиб ўтди. Унда "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти, туман ҳокими яти, халқ таълими бўлими вакиллари ҳамда мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар.

Анжуманни 28-мактаб директори Дилдора Орипова кириш сўзи билан очар экан, ёшларга она табиатни асраб-авайлаш, шу муқаддас заминга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш, мусаффо ҳаво ва атроф-муҳитни ифлослантирмаслик барчамизнинг инсоний бурчимиз эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, семинарда сўзга чиққан "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ходимлари Мирқарим Мирсовуров, Аъзам Халиқов, 28-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси Саида Низомоваларнинг "Иқлим ўзгариши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва салбий оқибатлари" мавзусидаги маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Улар ўз чиқишларида атмосфера ҳавоси таркибида иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газлар концентрациясининг ортishi сайёрамизнинг табиий иссиқлик балансини бузиши ва антропоген иссиқхона эффектини келтириб чиқариши, бу эса глобал иссиқлик бўлиб келиши ҳақида таъкидлаб гапирдилар.



Тадбир доирасида мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган "Табиатни асраймиз" мавзусидаги кўргазмалар, мавзуга оид саҳна кўринишлари анжуманинг янада эканликни таъкидлади. — дейди "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ходими М. Мирсовуров, — Зеро, ёшлигидан табиатга меҳр кўйган инсон келажакда она-Ватанига садоқатли, халқ фаровонлиги ва саломатлигига камарбаста бўлувчи комил инсон бўлиб вояга етиши шубҳасиз.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: анжумандан лавҳа

РЕСПУБЛИКА КИНОЧИЛАР УЙИДА «ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ, «ҚАЛҚОН» СТУДИЯСИ ҲАМДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА СУРАТГА ОЛИНГАН «ИБЛИС ДЕВОРИ» ФИЛЬМИ ПРЕМЬЕРАСИ ОЛДИДАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

ЎЗИМИЗНИНГ КИНО...

Анжуман фильм намойиши билан бошланди. Тохир Маликнинг "Иблис девори" асари асосида суратга олинган мазкур фильмга танкичи актёр Ёдгор Саъдиев режиссерлик қилган. Ролларни Карим Мирходиев, Илмира Раҳимжонова, Улугбек Музаффаров, Ёдгор Саъдиев, Гулнора Қосимова сингари элимиз севган актёр ва актрисалар ижро этишган.

Фильмин томоша қилар экансиз, бадавлат хонадоннинг фарзанди бўлатуриб ўғирликни ўзинга касб қилиб олган ношукур ўғил, фарзанди қилмишларидан надомат чекиш ўрнига обрў-эътиборини рўқач қилиб қонун ҳимоячилари билан савдолашмоқчи бўлган ота, бойлик васвасида ака-укалар ўртасига нифоқ уруғини сочган келин, отасининг зиддиятлари сабаб бир ҳовлида яшаб, ака-сингилдек катта бўлган жигарларнинг самимий муносабатларига бошқача кўз билан қарашларидан надомат чекаётган йигит-қизларнинг кўнгил кечинмалари ўз аксини топган. "Имони суст одамни шайтон тез йўлдан уради", — дейди фильм қаҳрамонларидан бири. Шайтон йўлдан урган ака-укалар ўртасидаги нифоқни, уларнинг фарзандлари бартараф этишга уринишади ва бу йўлда ҳатто ўлимдан ҳам қайтмишмайди.

Намойишдан сўнг фильм режиссёри Ёдгор Саъдиев билан давра суҳбати бўлиб ўтди. — Ёнимга кўлаб одамлар ака-укаларининг, жигарларининг оқибатсизликларидан нолиб шикоят қилиб келишади. Бу борада мени уларга қанчалик ёрдамим тегади ёки йўқ билмадим-у, ҳар ҳолда мана шундай ҳолатлар анчадан буён ўрганиб келаётган "Иблис девори" асарига фильм ишлашимга туртки бўлди, — дейди фильм режиссёри Ёдгор Саъдиев.

Фильмда воқеалар билан бирга тасвирий деталлар ҳам гапирди. Томошабин шу тасвирга боғлиқ ҳолда воқеалар ривожида яна қандайдир ҳолат юз беришини тасвирий ишоралар орқали олдиндан кўра олади. Унда кўтарилган муаммолар бугунги кунда долзарб бўлиб, ўзгалмишга, қадриятларимизга болта ураётган қусурлар ҳақида хикоя қилади. Бир сўз билан айтганда мазкур фильм чин маънода миллий ўзимизнинг кино!

"Туркистон-пресс"



— Ичкилик ичиб шохингиз чиқибдими, дадаси? Абдурашул Ҳакимов чизган расм.

«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати

ГРИППДАН САҚЛАНИНГ!

ОДАТДА СОВУҚ КУНЛАР БОШЛАНИБ КЕТГАНДА БИЗГА ГРИППГА ҚАРШИ ЭМЛАТИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛИШАДИ. АСЛИДА, МУТАХАССИСЛАР ФИКРИГА КЎРА, СОВУҚ ТУШИШНИ КУТМАЙ, ҲОЗИРДАНОҚ ГРИППГА ҚАРШИ ВАКЦИНА ОЛГАН МАЪҚУЛ.

Гриппга қарши вакциналар поликлиникаларга ёзининг охири — кузнинг бошларида келиб тушади. Ноябрь-декабрь ойларида ёлғизлик гриппга чалиниш бошланиб кетганда кўпчилик шовиш қолади. Лекин энди эмишнинг нафи катта бўлиши қийин. Зеро, касалликка қарши иммунитет ҳосил бўлиши учун вақт керак. Эпидемия вақтида эса, керагида гриппга қарши вакцина олмаган кишиларда ўзимизнинг иммунитет бўлмаслиги аниқ ва касалликка чалиниш ҳеч гапмас.

Шунинг учун мутахассислар қанча эрта чора кўриلسа — шунча яхши дейишади. Вақтида ҳосил қилинган иммунитет йил давомида сақланиб, грипп эпидемияларининг ҳамма босқичларида иш беради. Вақтида вакцина қабул қилишнинг фойдасини яна бир жиҳатдан билиш мумкин. Агар бирон киши илгарироқ вакцина қабул қилган бўлса, грипп вирусларига қарши таначалар тез — тахминан бир hafta ичида ишлаб чиқарилади ва унга касалликка чалиниш хавфи тахдид соқламайди.

Мабодо, илк бор гриппга қарши эмлаётган бўлсангиз, макссадга эришиш учун уни олдинроқдан — ҳеч бўлмаса — грипп мавсумидан бирон ой олдин амалга оширишингиз зарур.

— Гриппга қарши вакциналарни ҳар йили қабул қилиш макссадга янгради, — дейди тиббиёт фанлари номзои М. Миршарипов. — Мунтазам шундай қилиб юрган кишилар гриппга қарши кўпроқ чидамли бўлишади. Уларнинг организми янги тарқалган гриппга эмас, олдинги йиллардаги олган вакциналарга мўлжалланган грипп турларига қарши ҳам муваффақиятли кураша олади.

6 ойликдан 3 ёшгача гўдақларга вакцинанинг ярим дозасида эмлаш кифоя қилади. Мабодо, бола саккиз ёшгача илк бор вакцина олаётган бўлса, унга икки микродоза вакцина юборилади. Катталар ҳам, болалар ҳам йилга бир мартадан вакцина олишлари мумкин.

Шуни ҳам эслатиш керакки, ҳаммани ҳам гриппга қарши эмлаш мумкин эмас. Масалан, вакциналарда микроскопик дозаларда товуқ туми оқиси бўлади. Шу мўддага қаттиқ аллергияси бўлганларга бу вакцина қабул қилиш тўғри келмайди. Аллергик реакцияси анча заиф бўлганда эса, махсус тайёрлаган кўннинг гриппга қарши эмлаш мумкин. Бунда шифокор антигистамин дорисини ёзиб беради ва уни вакцина қабул қилишдан олдин уч кун ва ундан кейин яна уч кун ичиш керак бўлади.

Ина санчилган жой қизариб қолиши мумкин — лекин бу қизиқлик икки кун ичида йўқолиб кетади. Бош ва мушаклар оғриги камдан-кам учрайди ва бу ҳолат вакцина олиш вақтида бу одам вирусли инфекцияга чалиниш оқибатларидан сақланади, лекин ортинча ташвиш тугдирмайди.

Гриппга қарши вакцина олишининг зарари бор, дейдиганлар ҳам бор. Лекин, полиомиелит, қизамиқ,

бўйма касалликлари ўша касалликларни қўзғатувчи инфекцияга қарши яллисида ҳаммани эмлаш натижасидагина бутунлай барҳам топгани ҳам унутмаслик керак. Кўпчиликда гриппга қарши вакцина олишга эҳтиёткорона дил мавжуд. Шундагина биз гриппнинг оммавий тарқалиши ва унинг асоратларининг олдини ола оламиз.

Гриппга қарши эмлаш муҳолифлари касалликни бошдан кечириш ёки унга қарши дори-дармон билан ҳимоялашни афзал, деб ҳисоблашади. Дори-дармонлар гриппдан қутқара олмайдди, балки фақат оддий вирусли инфекциялардангина ҳимоя қилиши мумкин.

Гриппи бошидан ўтказиб, иммунитет ҳосил қилишга интилиш эса, жиддий асоратларга, ҳатто фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, гриппдан кейин унга қарши иммунитет, киши ўзини соқла-соғ хис этган тақдирда ҳам, жуда қийинчилик билан ва узок вақт давомида тикланади.

ридан маҳоратли эканликларини исботлаб жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган бўлиши. Нодира Қазақовага қумуш медал насиб этди. Шунингдек, ўз вази тоифаларида ҳамюртларимиз Жамол Омиров, Жамшид Қороев ҳамда Мурод Хонтураевлар чемпионатнинг бронза медаллари билан қийналянади.

Сув спорти

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ ҚОҲИРА ШАҲРИДА СУВ ПОЛОСИ ВА СИНХРОН СУЗИШ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР МАМЛАКАТИМИЗ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Гап шундаки, эрақлар ўртасида ўтказилган сув полоси мусобақаларида Мисрнинг «Гелиополия-2» ва Кувейт жамоаларини мағлуб этган ҳамюртларимиз ярим финалга чиқди. Бироқ, ярим финалда Мисрнинг «Гелиополия» жамоасига имконият бой берилди. Шуниси қувонарлики, мусобақани кузатган мутахассислар ва мухлислар Ўзбекистон терма жамоасига имкониятларига ва маҳоратига юқори баҳо беришди. Чунки венгрияликларни учинчи ўрин учун кечган баҳсда енга олган ҳамюртларимизга мусобақанинг совриндори бўлиш насиб этди.

Универсал жанг

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛИШДИ

РОССИЯНИНГ КАЛИНИНГРАД ШАҲРИДА УНИВЕРСАЛ ЖАНГ БЎЙИЧА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН IX ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МАМЛАКАТИМИЗ ТЕРМА ЖАМОАСИГА МЕДАЛЛАР ШОДАСИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ.

Қурраи заминнинг кўпгина давлатларидан келган спортчиларга қарши голиблик учун кескин кураш олиб борган мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларидан ўз вази тоифаларида Нуриддин Нуриддинов ва Алишер Абдуллаевлар барча рақибларидан маҳоратли эканликларини исботлаб жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган бўлиши.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Дзюдо

БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

ТАИЛАНД ПОЙТАХТИ БАНГКОК ШАҲРИДА ДЗЮДО БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МАМЛАКАТИМИЗ ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ УЧУН ЯНА БИР КАРРА ЎЗИГА ХОС МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келган спортчилар билан беллашган терма жамоаси аъзоларидан бири Габит Есембетов 60 килограммга бўлган вазнда учинчи ўринни қўлга киритиб жаҳон чемпионатининг совриндори бўлди.

Футбол

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

ЯНА БИР НЕЧА КУНЛАРДАН СЎНГ МАЛАЙЗИЯДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ.

Ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари ҳам Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Китъа чемпионатида совриндорликка даъвогарлардан ҳисобланаётган терма жамоамиз «В» гуруҳида Хитой, Хиндистон ва Хитой Тайпейи терма жамоаларига қарши голиблик учун кураш олиб боришади.

(Ўз мухбиримиз)

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м², «Toshkent metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биноларини ижарага беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Сувбўйи — Кўприкли кўчалари. Маълумот учун тел: 239-89-27

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г - 1006

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3282 нусxada босилди. Қўроғ бичими А-2

Нашри этикази бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмононаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 5 6